

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

48-сон
(1172)
2024 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

418. «Темир йўл транспорти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 ноябрдаги ўРҚ–1006-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

419. ««Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 ноябрдаги ПҚ–405-сон қарори

Бешинчи бўлим

420. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 7-noyabrdagi 47-son "O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

G'aznachiligiga insonparvarlik yordami va texnik ko'maklashish vositalarini oluvchilar tomonidan bank hisobvaraqlaridan ko'chirmalar va insonparvarlik yordami hamda texnik ko'maklashish vositalari to'g'risidagi ma'lumotlarni taqdim etish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyruqni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 25-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1960-1*)

421. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 22 ноябрдаги 11-мх-сон “Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларини тасдиқлаш тўғрисида”-ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-3*)
422. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 19 ноябрдаги 655-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089-1*)
423. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 ноябрдаги 24-сон “Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3476-1*)
424. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 23-noyabrdagi 28-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 25-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3580*)
425. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2024-yil 12-noyabrdagi 64-son “Menagement tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2754-4*)
426. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo'mondonining 2024-yil 9-noyabrdagi 289-son “O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi

bo'linmalariga kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3210-3*)

427. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 11 ноябрдаги 635-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342-1*)
428. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 21-noyabrdagi 183-son hamda Energetika vazirligining 2024-yil 12-noyabrdagi 10-son “O'zbekiston Respublikasi bojxona chegarasidan elektr uzatish tarmoqlari orqali o'tkazilayotgan elektr energiyasini bojxona nazorati va bojxona rasmiylashtiruvidan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3265-1*)
429. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 19 ноябрдаги 656-сон “Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-3*)
430. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 15-noyabrdagi 192-son “Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 29-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-6*)
431. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 27 ноябрдаги 672-сон “Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ****418 Темир йўл транспорти тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
20 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчилик

Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

багаж — йўловчига тегишли бўлган, багаж вағонида ташиш учун йўл ҳужжати (чипта) бўйича қабул қилинадиган буюмлар;

вагонлар (контейнерлар) оператори — мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда вагонларга (контейнерларга) эгалик қиладиган, темир йўл транспортининг ташувчиси билан тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатиш орқали ташиш жараёнида иштирок этадиган ва ташиш ҳужжатларида кўрсатилган юридик шахс;

йўловчи — йўл ҳужжатиغا эга бўлган, поездда сафарни амалга ошираётган ёки темир йўл вокзали (станцияси) ёхуд йўловчилар платформаси худудида бевосита сафарга кетишдан аввал ёки бевосита сафардан кейин турган жисмоний шахс;

йўл ҳужжати (чипта) — умумий фойдаланишдаги темир йўл транс-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

портида йўловчи ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ташиш ҳужжати;

ташувчи — темир йўл транспортида ички ҳамда халқаро қатновларда йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолияти бўйича лицензияга эга бўлган, темир йўл транспортида ташиш шартномаси бўйича йўловчини, юк жўнатувчи (жўнатувчи) томонидан ўзига ишониб топширилган багажни, юк багажини, юкни, почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш пунктидан мўлжалланган пунктга етказиш, шунингдек багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини юкни олувчига (олувчига) бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган юридик шахс;

ташиш жараёни — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчи, вагонлар (контейнерлар) оператори, инфратузилма оператори томонидан йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташишга тайёргарлик кўришда, ушбу ташишни амалга оширишда ва яқунлашда бажариладиган, ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган ҳаракатлар ва операциялар мажмуи;

ташиш ҳужжати — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқлайдиган йўл ҳужжати (чипта), багаж квитанцияси, темир йўл транспорти юк хати, электрон ахборот ташувчи карта ёки бошқа ахборот ташувчи тарзидаги ҳужжат;

темир йўл станцияси — поездларни қабул қилиш, жўнатиш, кесиштириш ва қувиб ўтиш операцияларини, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, бериш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш операцияларини, поездларни тарқатиш ва тузиш бўйича манёвр ишларини ҳамда поездлар билан техник операцияларни амалга ошириш имконини берадиган, асосий темир йўллардан ташқари темир йўлларнинг қўшимча гуруҳларига эга бўлган алоҳида пункт;

темир йўл транспорти — умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспортидан иборат бўлган ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг темир йўллар бўйлаб ташишларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мўлжалланган транспорт тури;

темир йўл транспорти инфратузилмаси — технологик мажмуа бўлиб, у ушбу мажмуа фаолиятини таъминловчи темир йўлларни, темир йўл станцияларини, электр таъминоти қурилмаларини, алоқа тармоқларини, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимларини, ахборот мажмуаларини, ҳаракатни бошқариш тизимини, бинолар, иншоотлар, қурилмалар, жиҳозлар ва ускуналарни ўз ичига олади;

темир йўл транспорти объекти — фойдаланишда бўлган темир йўл транспорти инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари, вокзаллар, ҳаракатдаги таркиб, умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспорти;

умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар — юкни жўнатувчиларга (жўнатувчиларга) ва юкни олувчиларга (олувчиларга) шартнома шартлари асосида хизмат кўрсатиш ёки эгалик қилувчининг ўз эҳтиёжлари

учун технологик ишларни бажаришга мўлжалланган умумий фойдаланишдаги темир йўлларга бевосита ёки бошқа темир йўл шохобча йўллари орқали туташадиган шохобча темир йўллар, шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўлларга туташмайдиган темир йўллар;

умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспорти — юридик шахсларга тегишли бўлган, ҳаракатдаги темир йўл таркибини ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини ўз ичига олган, шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, шунингдек умумий фойдаланишда бўлмаган жойлардаги шахсий эҳтиёжлар учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-технологик комплекслар мажмуи;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотга ва унинг бўлинмаларига тегишли бўлган, поездларни ўтказиш, қабул қилиш ва жўнатиш, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш ҳамда бериш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича тегишли операцияларни, манёвр ишларини бажариш учун очиқ бўлган, ажратилган минтақа доирасида перегонлар, темир йўл станциялари, разъездлар, қувиб ўтиш пунктлари жойлашган темир йўллар;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти — темир йўл транспорти инфратузилмасини, ҳаракатдаги темир йўл таркибини, бошқа мол-мулкни ўз ичига олган ҳамда оммавий шартномалар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг ташишларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мўлжалланган ягона ишлаб чиқариш-технологик мажмуа;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг оператори (бундан буён матнда инфратузилма оператори деб юритилади) — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотга тегишли бўлган, умумий фойдаланишдаги темир йўлларнинг ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси бошқа объектларининг фойдаланилишини, жорий сақланишини ва модернизациясини, қурилишини амалга оширадиган, шунингдек инфратузилмадан фойдаланиш хизматларини, шу жумладан ҳаракатдаги таркибни ўтказиш ва олиб ўтиш учун умумий фойдаланишдаги темир йўллардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатадиган юридик шахс;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотнинг асосий фаолияти бевосита ташиш жараёнига тайёргарлик кўриш ва ташишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган таркибий бўлинмалари ва шўъба хўжалик жамиятлари;

юк — умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи томонидан темир йўлда ташиш учун қабул қилинган, ўз вақтида етказиб берилиши ҳамда бут сақланиши учун ушбу корхона ва ташувчи жавобгар бўлган объект;

юк багажи — йўловчилар поездларида ва почта-багаж поездларида ташиладиган темир йўл ташиш объекти;

юк жўнатувчи (жўнатувчи) — ўз номидан ёхуд юкнинг ёки юк багajининг эгаси номидан иш юритадиган ва ташиш хужжатларида кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс;

юкни олувчи (олувчи) — юкни ёки юк багajини олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

қўл юки — йўловчининг вазн ва ўлчовлар бўйича чекловлар мавжуд бўлган, у ўзи билан йўловчилар вағонида тўловсиз олиб юрадиган шахсий буюмлари;

ҳаракатдаги темир йўл таркиби (бундан буён матнда ҳаракатдаги таркиб деб юритилади) — локомотивлар, тортиш локомотивининг юк, багaj, йўловчи ташиш вағонлари ва моторвағонли ҳаракатдаги таркиб, шунингдек ташишларнинг амалга оширилишини ва темир йўл транспортининг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган бошқа транспорт воситалари.

4-модда. Темир йўл транспортига оид фаолиятнинг асосий принциплари

Темир йўл транспортига оид фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

хавфсизлик;

очиқлик ва шаффофлик;

барқарорлик;

экологик жиҳатдан тозалик;

темир йўл транспорти хизматларининг қулайлиги ва сифати;

темир йўл транспорти инфратузилмасидан фойдаланишдаги тенглик;

темир йўл транспорти инфратузилмасининг яхлитлиги ва узлуксиз ишлаши.

2-боб. Темир йўл транспорти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

5-модда. Темир йўл транспорти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Темир йўл транспорти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

темир йўлда йўловчиларни ва юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш;

темир йўл транспорти объектларини қуриш ва улардан фойдаланишда табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликка риоя этиш;

темир йўл транспорти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

темир йўл транспортининг эркин бозор муносабатлари асосида ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва тармоқдаги хусусий сектор улушини ошириш;

темир йўл транспортда рақобатни ҳамда у билан боғлиқ ишлар ва хизматларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

темир йўл транспортининг сафарбарлик шайлигини сақлаб туриш;
темир йўл транспортини ривожлантириш стратегиясини белгилаш;
темир йўл транспорти соҳасида фаолиятни амалга ошириши учун тадбир-корлик субъектларига тенг шарт-шароитлар яратиш;
темир йўл тармоғини қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш;
темир йўл транспортга оид илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик асосида темир йўл тармоғини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш;
темир йўл транспорти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда таълимнинг замонавий инновацион усуллари ва стандартларини тизимли равишда жорий этиш.

6-модда. Темир йўл транспорти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Темир йўл транспорти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини қўллаш, техник жиҳатдан тартибга солиш, тариф сиёсати, темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари темир йўл транспорти ходимларининг ташиш жараёни билан боғлиқ фаолиятига аралашшига ҳамда уларни бошқа ишларга жалб этишга ҳақли эмас, бундан табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келган, фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳоллар мустасно.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

темир йўл транспорти соҳасидаги барқарор ривожланиш стратегиясини белгилайди;

чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг ва халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан давлат кафолати остида бажариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари дастурини тасдиқлайди;

давлат томонидан тартибга солинадиган умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти хизматлари учун тарифларни шакллантириш тартибини тасдиқлайди;

давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлар бўйича йўловчиларни ташиш хизматларини кўрсатишдан кўрилган зарарларни Ўзбекистон Рес-

публикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш тартибини тасдиқлайди;

темир йўл транспорти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди;

ташиш жараёни иштирокчиларининг, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини назарда тутувчи Темир йўл транспорти уставини тасдиқлайди;

темир йўл транспортида йўловчиларни, бағажни ва юк бағажини ташиш қоидаларни тасдиқлайди;

темир йўл вокзалларидаги (станцияларидаги) йўловчиларнинг ва ташриф буюрувчиларнинг қўл юкини ва бағажини текшириш, уларнинг темир йўл вокзалларида (станцияларида) бўлиши тартибини тасдиқлайди;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлайди;

темир йўл транспорти соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

темир йўл транспорти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

темир йўл транспорти соҳасини ривожлантириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш дастурларини тасдиқлайди;

фойдаланувчиларининг манфаатларини инобатга олган ҳолда, темир йўл транспорти соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини ва бошқа дастурларни, концепцияларни ва стратегияларни, комплекс ечимларни ишлаб чиқади, келишади ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш чораларини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

темир йўл транспорти соҳасида ўз ваколатлари доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

вагонлар (контейнерлар) операторлари тўғрисидаги маълумотларнинг ягона реестрини юритади;

темир йўл транспортида юкларни ташиш қоидаларини тасдиқлайди;

темир йўл транспортдан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлайди;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилот томонидан ишлаб чиқилган темир йўл транспорти тарифлари бўйича таклифлар киритади;

темир йўл транспорти соҳасидаги лицензиялашни, рухсат бериш тартиб-таомилларини қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

темир йўл транспортида хавфсизлик талабларига, ёнғинга ва экологияга оид хавфсизлик талабларига риоя этиш масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этади;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганда, фавқулодда ҳолат жорий этилганда, темир йўл транспортида ҳаракатланиш ва ташишлар хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларда республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда хўжалик бирлашмалари ишини мувофиқлаштиради, мазкур фавқулодда вазиятларни, ҳодисаларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда ёрдам беради, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ темир йўл транспортининг муҳофаза зоналарига доир талабларга риоя этилишини, шунингдек темир йўл транспортининг муҳофаза зоналарида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотнинг розилигисиз ер участкалари ажратилишига ва уларнинг ижарага берилишига йўл қўйилмаслигини таъминлайди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Темир йўл транспорти соҳасидаги давлат назорати органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари темир йўл транспорти соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи органлардир (бундан буён матнда давлат назорати органи деб юритилади).

Давлат назорати органи:

умумий фойдаланишдаги ҳамда умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларда ушбу Қонуннинг ҳамда темир йўл транспорти соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларининг йўловчиларни ва юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларига темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

темир йўл транспортида йўловчиларни, бағажни ва юк бағажини, юкларни ташиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

корхоналар ва ташкилотларда темир йўл маҳсулотини таъмирлашнинг барча турларини амалга оширишда технологик жараёнларга риоя этилишини техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ назорат қилади;

ҳаракатдаги таркибни ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини рўйхатдан ўтказиш орқали уларнинг ҳисобга олинишини ҳамда Ҳаракат таркибининг ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг ягона реестри юритилишини, шунингдек ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқига доир гувоҳномалар берилишини амалга оширади;

темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини қабул қилиб олишда иштирок этади;

темир йўл транспортида ҳаракатланиш ва ташишлар хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича хизмат текширувларини ташкил этади ҳамда амалга оширади.

Давлат назорати органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотнинг ваколатлари

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатли ташкилотдир (бундан буён матнда ваколатли ташкилот деб юритилади).

Ваколатли ташкилот:

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортини ривожлантиришнинг умумий йўналишларини белгилайди ҳамда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси операторининг, корхоналарининг, ташувчиларининг ва ўзи билан аффилиланган бошқа юридик шахсларнинг фаолияти йўналишлари мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, ташишлар хавфсизлигини таъминлайди, кўрсатилаётган транспорт хизматларининг сифатини оширади;

кенг жамоатчилик ва темир йўл транспортдан фойдаланувчилар ўртасида темир йўл транспортдан хавфсиз фойдаланиш, ёнғинга ва экологияга оид хавфсизлик талабларига риоя этиш масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади;

моддий-техника базасини мустаҳкамлайди, темир йўллар тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда уларнинг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга кўмаклашади, илғор технологияларни ва менежментнинг замонавий усуллари кенг жорий этади;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортини модернизация қилиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этади;

табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганда, фавқулодда ҳолат жорий этилганда, шунингдек ҳарбий ҳолат жорий этилганда, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориладиган бутун даврда темир йўл транспорти соҳасида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

зарур бўлганда, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг, фавқулодда ҳолат жорий этилишининг шунингдек ҳарбий ҳолат жорий этилишининг оқибатларини, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар олиб борила-

диган бутун даврдаги оқибатларни бартараф этиш учун темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибини, корхоналар ва ташкилотларнинг, вазирликлар ва идора-ларнинг бошқа техникасини жалб этади;

норматив-техник талабларга мувофиқ бўлмаган ҳаракатдаги таркибни умумий фойдаланишдаги темир йўлларга қўймайди;

норматив-техник талабларга мувофиқ бўлмаган ҳаракатдаги таркиб-нинг умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга чиқарилишига йўл қўймайди;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганда, фавқулодда ҳолат ва ҳарбий ҳолат жорий этилганда, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориладиган бутун даврда ҳарбий ташишларни темир йўл транспортида тезкор (оператив) амалга ошириш учун махсус ҳарбий поезд-ларга устуворлик беради;

тегишли давлат органларига темир йўл транспортида табiiй ва техно-ген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганлиги, фавқулодда ҳолат жорий этиш зарурлиги, транспортга оид ва бошқа ҳодисалар тўғрисида ўз вақтида хабар беради ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўради;

темир йўл транспорти соҳасида ҳамда юкларни ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида халқаро ҳамкорликни ташкил этади ва таъминлайди.

Ваколатли ташкилот қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси

Ташувчилар умумий фойдаланишдаги темир йўллар бўйлаб ташишларни Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси хизмат-ларидан фойдаланишга доир рухсат инфратузилма оператори томонидан бе-рилади.

Инфратузилма оператори умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси хизматларидан камситишларсиз фойдаланилишини таъмин-лаши ва ташувчиларга ушбу инфратузилмадан фойдаланишда тенг ҳуқуқ бериши шарт.

Инфратузилма операторининг ташувчиларга ёки вагонлар (контейнер-лар) операторларига нисбатан камситувчи ҳаракатлари аниқланган тақдир-да, инфратузилма оператори бундай ҳаракатлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Инфратузилма оператори умумий фойдаланишдаги темир йўллардан ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа объектларидан фойдаланишни, уларнинг жорий таъминотини ва модерниза-ция қилинишини, қурилишини амалга оширади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасидан

фойдаланиш ва унинг жорий таъминоти умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасидан фойдаланиш хизматларидан олинган маблағлар ҳисобидан устувор тарзда молиялаштирилади.

**3-боб. Темир йўл қатновларининг турлари. Ташиш.
Йўловчиларнинг, ташувчиларнинг, вагонлар (контейнерлар)
операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

13-модда. Темир йўл қатновлари ва ташишларнинг турлари

Темир йўл қатновлари ва ташишлар қуйидаги турларга бўлинади:

ички қатновлар — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси доирасида ташиш;

халқаро қатновлар — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ташиш;

тўғридан-тўғри аралаш қатновлар — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини бутун ҳаракатланиш йўли учун расмийлаштирилган ягона ташиш ҳужжати бўйича транспортнинг ҳар хил турларида аралаш ташиш. Тўғридан-тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам халқаро бўлиши мумкин;

транзит ташишлар — йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали темир йўл транспортида олиб ўтишни таъминлайдиган ташиш, агар бундай олиб ўтиш жўнатиш ва етказиш пунктлари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган йўлнинг фақат бир қисми бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида чет давлатлар ҳудуди орқали амалга ошириладиган ташишлар;

махсус ташишлар — ўта муҳим давлат эҳтиёжлари, шу жумладан мудофаа эҳтиёжлари учун махсус турдаги юклар транспортда ташилишини таъминлайдиган ташишлар.

14-модда. Темир йўл транспортида йўловчилар, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари ташилишини ташкил этиш

Темир йўл транспортида йўловчиларни, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчи, инфратузилма оператори, вагонлар (контейнерлар) оператори, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар эгаси, йўловчи, юк жўнатувчи (жўнатувчи), юкни олувчи (олувчи), экспедитор (бундан буён матнда ташиш жараёни иштирокчилари деб юритилади) ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти соҳасидаги халқаро шартномаларига, Темир йўл транспорти уставига, ташишлар қоидаларига, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Ташувчи йўл ҳақини ёки багажнинг, юк багажининг, юкларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг ташиш ҳақини тўлаган ҳамда ташиш ҳужжатларини тўғри расмийлаштирган йўловчига, юк жўнатувчига (жўнатувчига), юкни олувчига (олувчига), экспедиторга ташишни рад этишга ҳақли эмас, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ташиш жараёнининг ўз шахсий ҳаракатдаги таркибига эга бўлмаган иштирокчилари шартномага асосан вагонлар (контейнерлар) оператори, инфратузилма оператори хизматларидан фойдаланади.

Темир йўл транспортида юкларни ташиш юк жўнатувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ амалга оширилади. Юкларни ташиш учун буюртманомаларнинг шакллари, буюртманомаларни бериш, бажариш ва ҳисобга олиш тартиби, шунингдек темир йўл транспортида ташиладиган юклар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида юкларни ташиш қоидалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг ҳарбий юкларини ва шахсий таркибини ҳарбий ҳолат жорий этилганда, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориладиган бутун даврда темир йўлларда ташиш биринчи навбатда амалга оширилади.

15-модда. Юклар ташилишини ташкил этиш

Юк ташиш шартномасига мувофиқ умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар уни ташиш шартларига риоя этган ҳолда юк жўнатувчи томонидан уларга ишониб топширилган юкни белгиланган темир йўл станциясига ўз вақтида ва бут сақланган ҳолатда етказиб бериш ҳамда юкни олувчига топшириш, юк жўнатувчи (юкни олувчи) эса юкни ташиш учун пул тўлаш ва унинг қабул қилинишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Юкни темир йўл транспортида ташиш шартномаси темир йўл транспорти юк хатини тузиш орқали расмийлаштирилади.

Юк ташиш шартномаси темир йўл транспорти юк хатига (қоғозда ва электрон ташувчиларда) жўнатиш станциясининг календарь муҳри босилган ҳолда юк қабул қилинганлиги тўғрисидаги квитанция юк жўнатувчига тақдим этилган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади.

Юк белгиланган манзилга етиб келганлиги тўғрисида хабардор қилинган пайтдан эътиборан ташиш шартномасига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкни олувчига ўтади.

Юкни олувчи юк жўнатувчининг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатида ташувчига тўланган харажатлар ва зарарларнинг ўрни қопланишини юк жўнатувчидан талаб қилишга ҳақли.

16-модда. Темир йўл транспорти юк хати

Юк жўнатувчи ташиш учун юк тақдим этилганда ташувчига ҳар бир жўнатма учун темир йўл транспорти юк хатини, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳолларда эса бошқа ҳужжатларни (сертификат, ли-

цензия, ветеринария сертификатини, божхона декларацияларини) ҳам тақдим этиши шарт.

Темир йўл транспорти юк хатининг ва бошқа ташиш ҳужжатларининг шакли, уларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида юкларни ташиш қоидалари билан белгиланади.

Юк жўнатувчи ўзи томонидан темир йўл транспорти юк хатига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

17-модда. Юк ташиш учун ҳақ

Юкни ташиш учун ҳақ, агар юк ташиш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юк жўнатувчи, экспедитор томонидан юкни жўнатиш пайтига қадар тўланади. Юк жўнатувчи, юкни олувчи, экспедитор талаби билан бажариладиган юк ташиш ва топшириш билан боғлиқ қўшимча ишлар ва хизматлар учун тўлов тарафларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилади.

Юкларни ташиш учун ҳақ юкларни ташиш амалга ошириладиган энг қисқа масофа учун ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

Йирик габаритли (ногабарит) ва оғир вазнли юкларни ташиш амалга ошириладиган энг қисқа масофани аниқлаш умумий фойдаланишдаги темир йўлларнинг бундай юкларни ташиш учун техник имкониятларини ва ўтказувчанлик қобилиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчи юк ташиш учун ҳақни ва тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида ташиш учун уларга берилган юкларни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Юк жўнатувчининг, юкни олувчининг, экспедиторнинг ташиш учун қарзи мавжуд бўлганда, шунингдек тўловлар ўз вақтида тўланмаганда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи кейинчалик қарз тўлангунига қадар ташиш шартномасини тузишни рад этиши мумкин.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишда айбдор бўлган тараф (юк жўнатувчи, юкни олувчи, экспедитор) темир йўл транспорти корхонасига, ташувчига вагонлар ва контейнерлардан фойдаланганлик учун бутун кечиктирилган вақт учун ҳақ тўлайди.

18-модда. Юкларни етказиб бериш муддатлари

Ташувчи Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ юк ташиш шартномасида белгиланган муддатда юкни белгиланган темир йўл станциясига етказиб бериши шарт.

Агар етказиб бериш муддати тугашига қадар юк белгиланган манзилга етказиб берилган ва юкни олувчига топширилган ёки қабул қилиш-топшириш (қўйиб бериш) йўлларига келтирилган бўлса, юк муддатида етказиб берилган ҳисобланади.

Агар юкни қабул қилиш-топшириш (қўйиб бериш) йўлларига етказиб бериш юк жўнатувчининг, юкни олувчининг, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар эгасининг айби билан кечиктирилган бўлса (юк тушириш

фронтининг бандлиги, юк ташиш шартномасига мувофиқ юкларни ташиш учун ҳақ ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонасига, ташувчига тўланиши лозим бўлган бошқа тўловлар тўланмаганлиги), юк муддатида етказиб берилган ҳисобланади.

19-модда. Вагонлардан, контейнерлардан фойдаланганлик ва умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ҳаракатдаги таркиб бекор ушлаб турилганлиги (тўхтаб турганлиги, кечиктирилганлиги) учун ҳақ

Вагонлардан, контейнерлардан фойдаланганлик ва умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ҳаракатдаги таркиб бекор ушлаб турилганлиги (тўхтаб турганлиги, кечиктирилганлиги) учун ҳақ умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонасига, ташувчига юк жўнатувчи, юкни олувчи, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл эгаси томонидан:

вагонлар, контейнерлар юк ортиш (тушириш) ва манёвр ишларини амалга ошириш учун юк жўнатувчиларда, юкни олувчиларда ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл эгаларида бўлган бутун вақт учун;

юк жўнатувчиларнинг, юкни олувчиларнинг, умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар эгаларининг айби билан умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ҳаракатдаги таркибнинг бекор ушлаб турилганлиги (тўхтаб турганлиги, кечиктирилганлиги) вақти учун тўланади.

Ҳақ миқдорлари қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

20-модда. Йўловчилар, багаж ва юк багажи ташилишини ташкил этиш

Йўловчи ташиш шартномасига кўра умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи йўловчини йўл ҳужжати (чиптага) биноан унга поездда жой берган ҳолда, белгиланган манзилга етказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, йўловчи эса йўл ҳақини тўлаши шарт.

Багажни, юк багажини ташиш шартномасига кўра умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи багажни, юк багажини белгиланган манзилга етказиб бериши, йўловчи (жўнатувчи) эса уни ташиш учун ҳақ тўлаши шарт.

Йўловчи ташиш шартномаси йўл ҳужжати (чипта), багаж ташиш шартномаси багаж қвитанцияси, юк багажини ташиш шартномаси эса юк багажи қвитанцияси билан расмийлаштирилади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи йўл ҳужжати (чипта) йўловчи томонидан кўрсатилган белгиланган станциягача сотилишини таъминлаши шарт. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида йўловчиларни, багажни ва юк багажини ташиш қоидаларида белгиланган тартибда йўл ҳужжатларини (чипталарни) сотиш кассалари, электрон терминаллар ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали йўл ҳужжатлари (чипталар) сотилишини ташкил этиши мумкин.

Йўл ҳужжати (чиптага) биноан йўловчига жой бермаган ёки ташишни

давом эттиришни рад этган, шунингдек багаж ва юк багажи квитанциясига кўра багажни ва юк багажини кўрсатилган белгиланган жойга етказиб бермаган умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи ўз ҳисобидан йўловчини, багажни, юк багажини белгиланган манзилга етказиши ёки шартноманинг лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли йўловчига (жўнатувчига) етказилган барча зарарларнинг ўрнини унга қоплаши шарт.

Йўловчилар поездларнинг жўнаш ва келиш вақти, йўл ҳақининг, багажни, юк багажини ташиш ҳақининг қиймати, йўл ҳужжатларини (чипталарни) сотиш бўйича темир йўл кассаларининг, вокзал хоналарида жойлашган сақлаш камераларининг иш вақти, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ахборот билан, шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг иши тўғрисидаги бошқа зарур ахборот билан таъминланиши керак.

Йўловчиларнинг ва темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўл транспортида ташишлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вокзалга киришда ваколатли органлар белгиланган тартибда қўл юкини, багажни кўздан кечиришни ҳамда йўловчиларни ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришни амалга ошириши мумкин. Кўздан кечириш рад этилганда вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга йўл қўйилмайди.

21-модда. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида йўловчиларнинг имтиёзли юриши

Темир йўл транспортида йўл ҳужжатлари (чипталар) йўловчиларга тўлиқ қийматида сотилади. Қонунчиликка мувофиқ айрим тоифадаги фуқароларга темир йўл транспортида юриш учун имтиёзлар белгиланиши мумкин. Бундай ҳолларда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчи билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

22-модда Темир йўл транспортида йўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Йўловчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

поездларнинг қатнов йўналишлари бўйлаб йўловчиларни ташиш учун очиқ бўлган, ўзи кўрсатган белгиланган станциягача ҳар қандай поездга ва ҳар қандай вагонга йўл ҳужжатини (чиптани) сотиб олиш;

сотиб олинган йўл ҳужжати (чиптага) биноан поезд вағонида жой олиш;

ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш. Йўловчи билан бирга беш ёшгача бўлган биттадан ортиқ бола кетаётган бўлса, улардан бири бепул олиб юрилади, қолганларига эса болалар тарифи бўйича алоҳида жой берилган ҳолда йўл ҳужжати расмийлаштирилади. Беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларга ҳам алоҳида жой берилган ҳолда болалар тарифи бўйича йўл ҳужжати расмийлаштирилади;

битта тўлиқ йўл ҳужжати ёки болалар тарифи бўйича йўл ҳужжати учун оғирлиги ўттиз олти килограммдан ортиқ бўлмаган қўл юкини ўзи би-

лан бепул олиб юриш. Мазкур оғирликдан ортиқ бўлган қўл юки багаж вагонига топширилиши лозим. Ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг имконияти чекланган гуруҳлари жумласидаги йўловчилар ўзи билан қўшимча равишда шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган техник ёрдамчи (компенсаторли) воситаларни ва махсус ҳаракатланиш воситаларини бепул олиб юриш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида йўловчиларни, багажни ва юк багажини ташиш қоидаларида белгиланган тартибда ташувчига йўл ҳужжатини (чиптани) қайтариш ва ташувчидан йўл ҳақи ва багажни ташиш учун тўловни (жўнатувчи эса багажни, юк багажини ташиш учун тўловни) қайтариб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида йўловчиларни, багажни ва юк багажини ташиш қоидаларида белгиланган тартибда йўл ҳужжатининг (чиптанинг) амал қилиш муддатини узайтириш;

бўш жойлар мавжуд бўлганда ва йўл ҳужжатига (чиптага) ўзгартиришлар киритилганда йўл ҳужжати (чипта) сотиб олинган поезддан аввалроқ кетадиган йўловчи поездида йўлга чиқиш;

белгиланган ҳақ эвазига багажни ташиш учун топшириш;

аввал сотиб олинган йўл ҳужжати (чипта) шикастланган, йўқолган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортида йўловчиларни, багажни, юк багажини ташиш қоидаларида белгиланган тартибда ёзма талабнома бўйича ташувчидан (йўл ҳужжатларини (чипталарни) сотиш кассаларидан ёки йўловчи агентликларидан) унинг дубликатини олиш. Аввал қайтарилган йўл ҳужжатларига (чипталарга) доир дубликат берилмайди.

Йўловчи:

йўл ҳужжатини (чиптани) сотиб олишда, поездга чиқишда ва сафар давомида йўл ҳужжатини (чиптани) текширишда шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши, бундан шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар мустасно;

поездга чиқишда ва сафар давомида сафар яқунига қадар йўл ҳужжати (чипта) мавжуд бўлиши;

жамоат тартибига, йўловчи вагонларидан ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган объектлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши, шунингдек ташувчининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва сафар давомида ҳам, кутиш жойларида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши шарт.

Йўловчининг зиммасида қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

23-модда. Багажни ва юк багажини ташиш

Ташувчи йўловчидан ёки жўнатувчидан багажни ва юк багажини қабул қилиши ҳамда мазкур операциялар учун очиқ бўлган ҳар қандай темир йўл станциясигача жўнатиши шарт.

Йўловчининг багажи йўл ҳужжати (чипта) бўйича қабул қилинади, жўнатувчининг юк багажи эса йўл ҳужжати (чипта) тақдим этилмаган ҳолда ташиш ҳужжати (юк багажи квитанцияси) бўйича қабул қилинади.

Йўловчининг (жўнатувчининг) багажи, юк багажи багаж вагони мавжуд бўлган энг биринчи поездда жўнатилади. Бунда ташувчи йўловчининг (жўнатувчининг) багажи, юк багажи биринчи навбатда жўнатилишини таъминлаши шарт. Ташиш ҳужжатларида (йўл ҳужжатида, багаж ва юк багажи квитанциясида) кўрсатилган йўналиш бўйича ташилаётган багаж, юк багажи йўловчи кетаётган поездда ёки таркибида багаж вагони мавжуд бўлган энг биринчи поездда жўнатилиши керак.

Йўловчи (жўнатувчи) багажни топширганда унинг қийматини эълон қилишга ҳақли, юк багажини топширганда эса унинг қийматини эълон қилиши шарт.

Ўзининг ўлчамлари, қадоғи ва хусусиятлари бўйича багаж вагонига қийинчиликларсиз юкланиши ва жойлаштирилиши мумкин бўлган ҳамда ташувчининг мол-мулкига ва бошқа йўловчиларнинг (жўнатувчиларнинг) багажига, юк багажига зиён етказа олмайдиган шундай буюмлар ва предметлар багажда, юк багажида ташишга қабул қилинади.

24-модда. Багажни ва юк багажини етказиб бериш муддати

Багажни ва юк багажини етказиб бериш муддати ташиш амалга оширилаётган йўловчи ташиш поездининг белгиланган темир йўл станциясигача ҳаракатланиши вақти билан поездлар ҳаракати жадвалига кўра белгиланади.

Агар багажни, юк багажини ташиш сафар давомида қайта юклаш орқали амалга оширилаётган бўлса, етказиб бериш муддати ҳар бир қайта юклаш учун бир суткага кўпайтирилади.

Багаж, юк багажи йўловчига, олувчига белгиланган станцияда багаж, юк багажи квитанцияси ва олиш ваколоти берилган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда берилади.

Багажни, юк багажини бериш темир йўл станцияси йўловчи ташиш операциялари учун очиқ бўлган давр ичида амалга оширилади.

25-модда. Темир йўл транспортида почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш

Темир йўл транспортида почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш қонунчиликда белгиланган тартибда почта вагонларида амалга оширилади.

26-модда. Ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

нарх белгилаш қоидаларига мувофиқ ташиш нархларини эркин белгилаш, бундан тартибга солинадиган тарифлар белгиланган ҳоллар мустасно; фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, ҳаракат хавфсизлигига таҳдид, экология ва санитария нормалари бузилиши ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) юзага келишига сабаб бўладиган ҳолатларда ташишни рад этиш.

Ташувчи қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ташувчи:

ички ва халқаро қатновлардаги темир йўл транспортида йўловчилар ва юкларни ташишга доир фаолият учун тегишли лицензияга эга бўлиши;

давлат рўйхатидан ўтказилган, ташишларни амалга ошириш учун мўлжалланган ҳаракатдаги таркибга мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда эга бўлиши;

ташишларни белгиланган тартибда сертификатлаштирилган ҳаракатдаги таркибда амалга ошириши;

ҳаракат ва темир йўл транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги талаблари бажарилишини таъминлаши;

йўловчининг хавфсизлигини, унга зарур қулайликлар ва хизмат кўрсатиш шароитлари яратилишини, йўловчи томонидан багаж ҳамда юк багажи топширилган тақдирда эса уларнинг ўз вақтида ташилиши ҳамда бут сақланишини таъминлаши;

ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг имконияти чекланган гуруҳлари жумласидаги йўловчиларнинг ҳаракатдаги таркибдан, ахборотдан, шунингдек алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши, темир йўл орқали ташиш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатиш чоғида зарур шарт-шароитлар яратиши;

мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим бўлган жўнатилаётган юк учун мувофиқлик сертификатининг кўчирма нусхасини юк жўнатувчидан талаб қилиши;

қонунчиликка мувофиқ ўз фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинишини амалга ошириши шарт.

Ташувчининг зиммасида қонунчиликка ва ташиш шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

27-модда. Вагонлар (контейнерлар) операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Вагонлар (контейнерлар) оператори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига тегишли бўлган вагонларни (контейнерларни) пулли асосда тақдим этиш бўйича хизматларни мазкур вагонлардан (контейнерлардан) фойдаланган ҳолда ташишларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган юк жўнатувчига, юкни олувчига, ташувчига, бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли шартномаларга асосан кўрсатиш;

ўз хизматларини кўрсатиш учун нархларни нарх белгилаш қоидаларига мувофиқ эркин белгилаш.

Вагонлар (контейнерлар) оператори қонунчиликка ва вагонлар (контейнерлар) операторининг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Вагонлар (контейнерлар) оператори:

ушбу Қонун қоидаларига, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган темир йўл транспортидаги хавфсизлик талабларига риоя этиши;

вагонларга (контейнерларга) мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда эгалик қилиши;

оператор фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган вагонларни (контейнерларни), бошқа объектларни ўз ҳисобидан лозим даражадаги техник ҳолатда сақлаши;

малакали ходимларга эга бўлиши;

тегишли малака талабларига жавоб берадиган ва кўрсатилган ишга нисбатан тиббий қарши кўрсатмаларга эга бўлмаган шахсларни ишга қўйиши;

ҳарбий ва божхона ташишларини, давлатнинг мудофаа қобилятини таъминлаш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг, жорий этилган фавқулодда ҳолатнинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ташишларни амалга ошириш мажбурияти юклатилган ташувчиларга устувор тартибда бундай ташишларни бажариш учун зарур бўлган вагонларни (контейнерларни) шартнома асосида тақдим этиши;

Давлат назорати органига ёки унинг ҳудудий бўлинмасига операторнинг вагонларидан (контейнерларидан) фойдаланган ҳолдаги ташишлар чоғида содир бўлган темир йўл транспорти ходисалари ва темир йўл транспорти ҳаракат хавфсизлиги ва эксплуатацияси қоидаларини бузиш билан боғлиқ бошқа ҳодисалар, уларнинг юзага келиш сабаблари ва кўрилган чоралар тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

Вагонлар (контейнерлар) операторлари ташувчилар ва (ёки) инфратузилма оператори билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан ташиш жараёнини амалга ошириш чоғида шартномалар асосида ҳамкорлик қилади.

4-боб. Темир йўл транспорти тарифлари. Молиявий ва хўжалик фаолияти

28-модда. Темир йўл транспортида ташиш тарифлари

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида қуйидаги ташиш тарифлари турлари қўлланилади:

юкларни ташиш тарифлари;

йўловчиларни ташиш тарифлари;

багаж ва юк багажини ташиш тарифлари;

почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш тарифлари.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти ташиш тарифлари ички қатновларда ташиш тарифларига ва халқаро қатновларда ташиш тарифларига бўлинади.

Темир йўл транспортида ташиш тарифлари турларининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси хизматлари;

тортиш локомотиви хизматлари;

вагон харажатларини қоплаш қисми.

Халқаро қатновда (шу жумладан транзит ташувлар) умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ тартибга солинмайдиган темир йўл транспорти

тарифлари, йиғимлари ва тўловлари шартнома асосида белгиланади ва рақобат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ назорат қилинади.

Ваколатли ташкилот умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида қўлланиладиган ташиш тарифларининг турлари бўйича маълумотларни ва уларнинг ўзгариш динамикасини юқлар, ҳаракатдаги таркиб турлари кесимида оммавий ахборот воситаларида доимий равишда эълон қилинишини таъминлайди.

29-модда. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида давлат томонидан тартибга солинадиган ташиш тарифлари

Қуйидагилар учун белгиланган ташиш тарифлари давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлардир:

ички қатновларда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг инфратузилмаси хизматларини кўрсатиш;

ички қатновларда умумий фойдаланишдаги темир йўлларда локомотив тортиш хизматларини кўрсатиш;

йўловчиларни ички қатновларда ташиш, бундан йўловчиларни юқори тезликдаги ва тезюрар поездларда ташиш мустасно.

Давлат томонидан тартибга солинадиган ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган коллегиал орган томонидан белгиланади.

Давлат томонидан тартибга солинадиган ташиш тарифлари қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади:

иқтисодий жиҳатдан асосланганликни (таннарх, фаолиятнинг зарар кўрилмаслигини таъминлайдиган зарур фойдани, шунингдек ваколатли ташкилотни сақлаш, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортини ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатларини);

шаффофлик ва прогноз қилишни;

темир йўлда ташишлар соҳасида рақобатдош муҳит ривожлантирилишини таъминлашни;

давлат томонидан тартибга солинадиган ташиш тарифлари бўйича хизматлар кўрсатувчи субъектларни ҳаракат хавфсизлиги таъминланишига ва хизматлар сифати яхшиланишига зарар етказмаган ҳолда харажатларни мақбуллаштиришга рағбатлантиришни.

30-модда. Ташувчининг зарарлари ўрнини қоплаш

Давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлар бўйича йўловчиларни ташишдан кўрилган зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ички қатновларда темир йўл транспортида юқларни ташиш тарифларига чегирмалар берилмайди.

Халқаро қатновларда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида юқларни ташиш тарифларига чегирмалар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган зарарларнинг ўрнини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

31-модда. Темир йўл транспортида молиявий-хўжалик фаолияти

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида молиявий-хўжалик фаолияти ўз хўжалик фаолияти даромадлари ҳисобидан, йўловчиларни ички қатновларда ташиш (бундан йўловчиларни юқори тезликдаги ва тез-юрар поездларда ташиш мустасно) билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш учун ваколатли ташкилот томонидан марказлаштирилган суғурта ва захира жамғармалари ташкил этилиши мумкин.

Юк жўнатувчиларнинг (жўнатувчиларнинг) ва юкни олувчиларнинг (олувчиларнинг), экспедиторларнинг юкларни ва юк бағажини ташиганлик, юк операциялари, транспорт-экспедиторлик хизматлари ва ҳаракатдаги таркибдан фойдаланганлик учун умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар, инфратузилма оператори билан ҳисоб-китоблари, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, ташувчиларга, инфратузилма операторига етказилган зарар учун неустойкалар тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шаҳар атрофидаги йўловчиларни ташишни молиялаштириш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ёхуд манфаатдор юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ташувчилар, вагонлар (контейнерлар) ва инфратузилма операторлари фаолиятининг давлат улуши бўйича, шунингдек вокзаллар хўжалик фаолиятдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган дивидендлар, темир йўл транспорти объектларини ривожлантиришга йўналтириш шarti билан уларнинг ўз ихтиёрида қолдирилади. Бундан концессия шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида амалга ошириладиган лойиҳалар мустасно.

32-модда. Темир йўл транспортига инвестициялар

Давлат темир йўл транспортини ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти объектларини қуриш, янгилаш, реконструкция қилиш ва модернизация қилиш ваколатли ташкилотнинг, инфратузилма операторининг ўз маблағлари ҳисобидан, жумладан давлат улуши ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган дивидендлар тарзидаги маблағлар, чет эл ҳукумат молия ташкилот-

ларининг ва халқаро молия институтларининг давлат кафолати остида жалб қилинадиган маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан, шунингдек давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар асосида амалга оширилади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллари, тўхташ пунктларини, юк саройларини ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг бошқа объектларини қуриш манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббусига кўра ҳамда уларнинг маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Темир йўл транспорти объектларини қуриш, янгилаш, реконструкция қилиш ва модернизация қилиш учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан темир йўл транспорти фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа фаолиятни молиялаштириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

33-модда. Темир йўл транспортида давлат-хусусий шериклик

Темир йўл транспорти объектлари ва темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкалари давлат-хусусий шериклик шартномалари асосида қуриш, модернизация қилиш ва бошқариш учун хусусий шерикка топширилиши мумкин.

Темир йўл транспорти объектлари ва темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкалари концессия шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик келишувлари амал қиладиган муддатга ижара, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари асосида хусусий шерикка топширилади.

Темир йўл транспорти объектларини ва темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаларини топшириш тартиби «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

5-боб. Темир йўл транспортида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ходимлар интизоми. Темир йўл транспортида ҳисоблаш-ҳисобот вақти

34-модда. Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари

Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Иши бевосита поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган темир йўл транспорти айрим тоифадаги ходимларининг иш вақти режими, дам олиш режими ва бошқа меҳнат шароитлари хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Умумий фойдаланишда бўлган темир йўл транспорти ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспорти эгалари, ташувчилар иши поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ва меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар дастлабки тарзда ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этади. Бундай лавозимлар ва ишлар рўйхати, шунингдек тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

35-модда. Темир йўл транспорти ходимлари ишининг сайёр хусусияти билан боғлиқ кафолатлар, компенсациялар ва уларга бериладиган имтиёзлар

Меҳнати сайёр хусусиятли бўлган темир йўл транспорти ходимларига бериладиган кафолатлар ва компенсациялар меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, жамоа келишувларига ёки жамоа шартномасига мувофиқ белгиланади.

Темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя кафолатларига эга.

Темир йўл транспорти ходимлари жамоа шартномалари ёки тармоқ жамоа келишуви билан белгиланадиган тартибда ва шартларда темир йўл транспортида ҳар йилги бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги оқибатида бошқа ишга ўтказилган ёхуд меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги ёки ходимнинг айби бўлмаган сабабга кўра, соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши муносабати билан ногиронлик пенсиясига чиққан темир йўл транспорти ходимлари учун темир йўл транспортида ҳар йилги бепул юриш ҳуқуқи ва қонунчиликда белгиланган бошқа имтиёзлар сақланиб қолади.

Ушбу модданинг учинчи, тўртинчи қисмларида белгиланган имтиёзлар умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг, ташувчиларнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади.

36-модда. Темир йўл транспортида интизом

Темир йўл транспорти ходимларининг интизоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган темир йўл транспорти ходимларининг интизоми тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

Темир йўл транспортида жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш воситаси сифатида ишни тўхтатишга йўл қўйилмайди.

37-модда. Темир йўл транспортида ҳисоблаш-ҳисобот вақти

Ташишларда бевосита иштирок этувчи темир йўл транспорти корхоналарида ташиш жараёнини марказлаштирилган ҳолда узлуксиз бошқаришни таъминлаш мақсадида, уларнинг жойлашган еридан қатъи назар, мамлакатда амал қилувчи ягона ҳисоблаш-ҳисобот вақти — Тошкент вақти белгиланади.

**6-боб. Темир йўл транспорти ҳаракати ва ундан
фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш****38-модда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транс-
порти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш**

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар йўловчилар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз қатнов, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш шарт-шароитларини, поездлар ва темир йўл транспорти бошқа воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини, шу жумладан манёвр ишлари чоғидаги, ташиш жараёни билан боғлиқ транспорт ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш чоғидаги хавфсизликни, шунингдек темир йўл транспорти ходимларининг меҳнати ва атроф табиий муҳит муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Темир йўл транспортида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни назорат қилувчи махсус таркибий бўлинмалар, шунингдек темир йўл транспортида ҳодисалар оқибатларини тугатувчи авария-тиклаш бўлинмалари ташкил этилиши мумкин. Ушбу бўлинмалар тўғрисидаги низом тегишли юридик шахс томонидан давлат назорати органи билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини ўтказиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан белгиланади.

39-модда. Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати

Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда давлат назорати органи томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

40-модда. Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларни қуриш ва улардан фойдаланиш

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларни қуриш ва умумий фойдаланишдаги темир йўлларга туташтириш, уларни фойдаланиш учун очиш, шунингдек умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспортининг ҳаракатдаги таркибини умумий фойдаланишдаги темир йўлларга чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллардан фойдаланиш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек шахарсозлик нормалари ва қоидалари билан белгиланади. Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларнинг мулкдорлари ва умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари ва

(ёки) инфратузилма оператори, ташувчи ўртасидаги муносабатлар шартнома билан белгиланади.

41-модда. Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар хизматлари

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар эгалари (бундан буён матнда шохобча йўл эгалари деб юритилади) умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида ташиш жараёни иштирокчиларига ҳаракатдаги таркибни ўтказиш, тўхтаб туришини таъминлаш, вагонлар, контейнерларни бериш ва қайтариб олиш, юкларни қабул қилиш, ортиш (тушириш), бериш, манёвр ишлари ва бошқа операциялар учун умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар хизматларини кўрсатишга ҳақлидир.

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар хизматларини кўрсатганлик учун шохобча йўл эгалари ҳақ олади. Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов рақобат тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларнинг ҳаракатдаги таркибни бир йўлдан бошқасига ўтказиш учун мўлжалланган иншоотлари, қурилмалари ва элементларидан фойдаланганлик учун алоҳида ҳақ олиш тақиқланади.

Шохобча йўл эгалари ташиш жараёни иштирокчилари учун умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллар хизматларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқни таъминлаши шарт.

Шохобча йўл эгалари рақобатдош умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл мавжуд бўлмаганда ташиш жараёни иштирокчиларига умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл хизматлари кўрсатилишини тўхтатишга олиб келадиган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) йўл қўймаслиги шарт, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Шохобча йўл эгаси шартномалар бўйича, шу жумладан контрагент билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тўлиқ мулкӣ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларда хизмат вазифаларини бажараётган ходимлар манёвр ишларини ташкил этиш масалалари бўйича инфратузилма операторининг фармойишларини бажариши шарт.

42-модда. Темир йўл транспорти ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига доир асосий талаблар

Темир йўл транспортининг инфратузилма объектларига нисбатан хавфсизликка доир мажбурий талаблар, уларни назорат қилиш усуллари, шунингдек уларнинг мувофиқлигини баҳолаш шакли қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш лицензияланадиган фаолият туридир.

Темир йўл станциялари, вокзаллар ва темир йўл транспортининг ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа бўлинмалари худудлари, поездлар ҳаракати амалга ошириладиган ҳамда манёвр ва юк ортиш-юк тушириш ишлари бажариладиган йўловчи платформалари ва темир йўллар ўта хавфли зоналар ҳисобланади ва зарурат бўлганда атрофи ўраб қўйилади ҳамда назорат қилиш техника воситалари билан жиҳозланади. Ўта хавфли зоналарда фуқароларнинг бўлиши ва объектларнинг жойлаштирилиши, бундай зоналарда ишларнинг бажарилиши, темир йўллар орқали транспортда ва пиёда кесиб ўтиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳаракатдаги таркиб, шу жумладан ҳаракатдаги махсус таркиб ва контейнерлар, темир йўлларнинг ер устки қурилмалари қисмлари ҳамда бошқа техника воситалари ва механизмлар, шунингдек темир йўл транспортда кўрсатиладиган хизматлар темир йўл транспортининг авариясиз ишлашини, ҳаракат хавфсизлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларини тартибга солувчи қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳаракатдаги таркиб ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Рўйхатдан ўтказилмаган ҳаракатдаги таркибдан ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтган жисмоний шахсларга берилади.

Ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Темир йўл транспорти фаолиятида фойдаланиладиган техника воситалари ва механизмларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматларни сертификатлаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Худудда хавфли юкларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш, ташиш ва тушириш ишлари амалга ошириладиган объектлар умумий фойдаланишдаги темир йўллардан ва иншоотлардан уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган масофада узоқлаштирилган бўлиши керак. Умумий фойдаланишдаги йўлларнинг қувурлар, алоқа, электр узатиш тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар билан кесишган жойларида мазкур объектлардан умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва иншоотларгача бўлган энг кам масофа, шунингдек темир йўллар билан кесишиш ҳамда яқинлашиш жойларида бундай объектларни қуриш ва сақлаш нормалари тегишли давлат органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурлари ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни таъминлаш, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлиги учун

уларнинг эгалари жавобгар бўлади. Мазкур иншоотларнинг эгалари ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи авария ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарини, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги бўлинмаларини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Темир йўл транспортида умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган йўллар орқали ташилаётган хавфли ҳамда махсус юкларнинг эгалари, бундай юкларни жўнатувчилар ва олувчилар уларнинг ташилиши, ортилиши ва туширилиши хавфсизлигини авария вазиятларини ва авария оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган воситалар ва ҳаракатчан бўлинмаларни жалб этган ҳолда ҳамда бу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзага келган тақдирда кафолатлаши керак.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар хавфли ва махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаши ҳамда ушбу юкларни ташиш чоғида авария ҳоллари юзага келган тақдирда, уларнинг оқибатларини тугатишда иштирок этиши шарт.

Темир йўлларнинг автомобиль йўллари билан кесишган жойлари (темир йўл кесишуви жойлари) темир йўл транспортдан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари билан белгиланади.

Темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланиш, уларни очиш ва ёпиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Темир йўл транспорти ва ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа техника воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

43-модда. Темир йўл транспортида юклар ва объектларни қўриқлаш

Йўл давомида ва темир йўл станцияларида юкларни, темир йўл транспорти объектларини қўриқлаш, шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган ишларни ўтказиш, ёнғинга қарши назорат ва ёнғинларни бартараф этиш умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади (бундан ҳарбий ташишлар ва давлатнинг муҳофаа қобилятини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг, жорий этилган фавқулодда ҳолатнинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ташишлар мустасно).

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари тўғрисидаги низом ваколатли ташкилот томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади. Қўриқланиши ва кузатиб борилиши лозим бўлган юклар рўйхати, бу юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кузатиб бориш талаб этиладиган юкларни умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш гуруҳлари

Ўзбекистон Республикаси доирасида кузатиб боради. Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтиш чоғида кузатиб бориладиган юкларни топшириш тартиби ва жойи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

Темир йўл транспортининг энг муҳим объектларини ва махсус юкларни қўриқлаш умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари, ички ишлар органларининг транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бўлинмалари ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқа ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Бундай объектлар ва юклар рўйхатлари қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Юкларнинг айрим турларини, шу жумладан қимматбаҳо, тез бузиладиган ҳамда бошқа юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш бутун йўл давомида юк жўнатувчининг ёки юкни олувчининг кузатувчилари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби юк жўнатувчилар (юкни олувчилар) томонидан ваколатли ташкилот билан келишилган ҳолда белгиланади.

Зарур бўлганда ваколатли ташкилот юк жўнатувчилардан (юкни олувчилардан) авария вазиятлари ва бошқа фавқулодда ҳолатлар ҳамда вазиятларнинг юзага келиши хавфини, шунингдек уларнинг юкларини ташиш чоғидаги эҳтимол тutilган зарарларни камайтирадиган қўшимча чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

44-модда. Фавқулодда ҳолатлар ва вазиятларда темир йўл транспортининг ишлаши

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар, табиий офатлар (шамол ҳосил қилган тупроқ-қум босишлари, тошқинлар, ёнғинлар) ва темир йўл транспорти ишининг бузилишига олиб келган бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун шошилиш чора-тадбирлар кўради.

Давлат ҳокимияти органлари одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга, ҳаракат хавфсизлигига ҳамда юкларнинг сақланишига таҳдид солувчи темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар, табиий офатлар ҳамда бошқа фавқулодда ҳолатлар ва вазиятларнинг оқибатларини тугатишда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, ташувчиларга ёрдам кўрсатади.

Агар енгиб бўлмас куч таъсирида, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат жорий этилиши натижасида багажни, юк багажини ва юкларни белгиланган манзилга етказиш ёки тегишли юкни олувчига (олувчига) топшириш имкониятидан маҳрум этадиган тўсиқлар вужудга келган бўлса, худди шунингдек ушбу сабабларга кўра багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини сақлашнинг энг охириги муддатлари ўтиб кетса, мазкур ташувчи қонунчиликда белгиланган тартибда багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик

жўнатмаларини юк жўнатувчининг (жўнатувчининг) ёки юкни олувчининг (олувчининг) топширигига биноан, шунингдек мазкур топшириқ белгиланган муддатда олинмаган тақдирда эса багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини топширишга (реализация қилишга) ёки бунинг имкони бўлмаган тақдирда юк жўнатувчининг (жўнатувчининг) ўзига қайтариб юборишга ҳақлидир. Бунда топширилган (реализация қилинган) багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари учун ташувчи томонидан олинган сумма ушбу ташувчига тегишли бўлган суммалар чегириб қолинган ҳолда, қиймат ҳақи тўланган тақдирда ташиш ҳужжатларида кўрсатилган юкни олувчининг (олувчининг) ҳисобига, бошқа барча ҳолларда эса юк жўнатувчининг (жўнатувчининг) ҳисобига ўтказилади.

Ҳужжатлари бўлмаган багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини реализация қилишдан ташувчи томонидан олинган маблағлар ушбу ташувчи фойдасига ўтказилади ҳамда ундан белгиланган манзилига етиб келмаган багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмалари учун ташувчи томонидан юк жўнатувчига (жўнатувчига) ёки юкни олувчига (олувчига) тўланган маблағларнинг ўрнини қоплаш учун фойдаланилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган сумма юкни олувчи (олувчи) ёки юк жўнатувчи (жўнатувчи) томонидан талаб қилиб олинмаган тақдирда, даъво муддати тугаганидан сўнг маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

45-модда. Темир йўл транспортида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазаси

Темир йўл транспортида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазасига раҳбарлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Темир йўл транспортида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазаси бўйича тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

46-модда. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта

Темир йўл транспортининг иши сайёр хусусиятга эга бўлган ходимлари, шунингдек ўз лавозим вазифаларини ҳаёт учун хавфли шароитларда бажарувчи ходимлар ва идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариши даврида мажбурий шахсий суғурта қилиниши керак.

Темир йўл транспорти ходимларининг айрим тоифаларини мажбурий шахсий суғурта қилиш тартиби ва шартлари қонунчилик билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўловчилар ихтиёрий шахсий суғурта қилиниши, шунингдек багаж, юк багажи, юк, почта ва курьерлик жўнатмалари ихтиёрий суғурта қилиниши мумкин.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ташувчи томонидан амалга оширилади.

7-боб. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг, ташувчиларнинг, юк жўнатувчининг (жўнатувчининг), юкни олувчининг (олувчининг), йўловчининг, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги. Талаблар ва даъволарни кўриб чиқиш

47-модда. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарининг, ташувчиларнинг жавобгарлиги

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар йўл ҳақини ҳамда багаж, юк багажи, юк, почта ва курьерлик жўнатмаларининг ташиш ҳақини тўлаган ва йўл ҳужжатларини тўғри расмийлаштирган йўловчига ва юк жўнатувчига (жўнатувчига), агар ушбу Қонунда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташишни рад этишга ҳақли эмас.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар йўловчининг ёки темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахснинг, худди шунингдек темир йўл транспорти фаолияти натижасида жабрланган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар юкларни ташиш чоғида юкларни ташиш учун олинган буюртма-номаларни бажармаганлик, вагонларни умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўлларга келтириб бермаганлик ва уларни умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўллардан олиб кетишни кечиктирганлик, юкларни юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган вагонлар ва контейнерларни ўзбошимчалик билан эгаллаганлик, бу вагонлар ва контейнерларга шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда неустойка тўлаш тарзида жавобгар бўлади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар юкларни ташишда юкни етказиб бериш муддатларини бузганлик учун мулкӣ жавобгарлик билан бир қаторда ташилаётган юкнинг сақланишини таъминламаганлик учун ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорларда мулкӣ жавобгар бўлади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар йўловчилар, багаж, юк багажи, юк, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар атроф табиӣ муҳитга етказилган зарар учун ҳамда темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ажратилган ерларни лозим даражада сақламаганлик ва улардан фойдаланмаганлик учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

48-модда. Юк жўнатувчиларнинг (жўнатувчиларнинг), юкни олувчиларнинг (олувчиларнинг), йўловчиларнинг, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар олдидаги жавобгарлиги

Юк жўнатувчилар (жўнатувчилар) ва юкни олувчилар (олувчилар) қуйидагилар учун қонунчиликда белгиланган миқдорларда неустойка тўлаш тарзида жавобгар бўлади:

ташишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун;

юкларни тақдим этмаганлик учун, юк ташишга берилган вагонлардан, контейнерлардан фойдаланмаганлик ёки буюртманомада кўрсатилган вагонларни, контейнерларни рад этганлик учун;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, ташувчиларга қарашли вагонлар ва контейнерлардан рухсатсиз фойдаланганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юкни ортиш, тушириш ёки қайта юклаш пайтида белгиланган технология нормаларидан ортиқча кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун, шунингдек уларни юкни ортиш, тушириш, қайта юклаш учун етказиб бериш пайтида куттириб қўйиш орқали ёки юк жўнатувчига (жўнатувчига) боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун;

махсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича божхона, чегара органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан белгиланган талабларни вагонлар ва контейнерларнинг кечиктирилганлигига сабаб бўлган тарзда бузганлик учун;

вагонларга, контейнерларга кўтарадиган юкидан ва юк ташиш шартнома-сида кўрсатилган вазндан ортиқча юк ортганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юклар туширилганидан кейин тозаламаганлик учун;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар томонидан берилган вагонлар ёки контейнерларга, чиқариб олинadиган ташиш мосламалари ва ўраш-жойлаш воситаларига шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун;

ташиш тақиқланган юкни тақдим этганлик ёки ташиш чоғида ўта эҳтиёткорлик чоралари кўришни талаб этувчи юкни унинг номи ёки хоссаларини нотўғри кўрсатиб тақдим этганлик учун.

Йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, темир йўл транспортидаги санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоидаларни бузганлик, қурилмаларга, ҳаракатдаги таркибга ва уларнинг ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Темир йўл транспортига унинг коммуникацияларини қасддан тўсиб (узиб) қўйиш ёки темир йўл транспортининг монеликсиз ва хавфсиз ишлашига халал берувчи қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлар натижасида ет-

казилган зарарнинг ўрни умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, ташувчиларга айбдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

49-модда. Талаблар ва даъволарни кўриб чиқиш

Йўловчилар, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, йўловчилар, юк жўнатувчилар (жўнатувчилар) ва юкни олувчилар (олувчилар) тегишли умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, ташувчига қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда талаблар ва даъволар тақдим этишга ҳақлидир.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонаси, ташувчи талабни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этган тақдирда ёки умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонасидан, ташувчидан талабни кўриб чиқиш муддати тугаганидан кейин жавоб олинмаганда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхонасига, ташувчига нисбатан ташиш жараёнидан келиб чиқадиган даъволар берилиши мумкин.

Даъво муддати юк, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш шартномаси бўйича — бир йил, йўловчи, багаж, юк багажини ташиш шартномаси бўйича — олти ой.

Даъво муддати даъво аризасини бериш учун асос бўлган ҳодиса бошланганидан кейинги кундан эътиборан ҳисобланади.

Ташиш шартномаси билан боғлиқ бўлмаган юкларни етказиб бериш бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича даъво муддати етказиб бериш муддати тугаган кундан эътиборан ҳисобланадиган икки ойни ташкил этади.

Темир йўл транспортида ташишлар бўйича талаблар ва даъволарни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, ташувчига йўловчилар, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташишда юзага келадиган талабларни тақдим этиш муддатлари Темир йўл транспорти уставида ва халқаро қатновларда темир йўл транспортида ташишлар тўғрисидаги битимларда (шартномаларда) назарда тутилади.

8-боб. Темир йўл транспортида мол-мулк. Темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ерлар. Темир йўл транспортининг муҳофаза зоналари

50-модда. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида мулкчилик

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг инфратузилмаси ва магистрал локомотивлари инфратузилма оператори мулкдир.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг ва магистрал локомотивларнинг учинчи шахсларга сотилишига ёки бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

51-модда. Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулки

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати ўз мустақил балансида кўрсатиладиган бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

52-модда. Темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ерлар

Темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун ерлар ваколатли ташкилотга, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарига, инфратузилма операторига, шохобча йўл эгаларига темир йўл транспорти объектларидан фойдаланиш, уларни сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш (яхшилаш) ва ривожлантириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

Темир йўл транспорти эҳтиёжлари учун берилган ер участкалари ер, шаҳарсозлик ва экология тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Темир йўлларга туташган, темир йўллар билан банд бўлган ёки бундай йўлларни жойлаштириш учун мўлжалланган, шунингдек темир йўл станцияларини, сув чиқариш ва мустаҳкамлаш қурилмаларини, темир йўллар бўйлаб ҳимоя чизикларини, алоқа линияларини, электр таъминоти қурилмаларини, ҳарбий юкларни ортиш ва тушириш жойларини, ишлаб чиқаришга оид ва бошқа биноларни, иморатлар, иншоотлар ва темир йўл транспортининг бошқа объектларини жойлаштириш учун мўлжалланган ер участкалари ажратилган минтақа ҳисобланади.

Темир йўл транспорти ерларидан ажратилган минтақа доирасида фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

53-модда. Темир йўл транспортининг муҳофаза зоналари

Аҳоли, темир йўл транспорти ходимлари, йўловчилар, ҳайвонлар хавфсизлигини, шунингдек темир йўл станцияларидан, темир йўллардан, электр таъминоти ва алоқа линияларидан фойдаланишда хавфсизликни, темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларининг, шу жумладан силжувчи тупроқли ҳудудларда ва қум уюмлари, ер кўчиши, ер чўкиши, сув оқизиб кетиши, сел олиши ва табиий хусусиятдаги бошқа хавфли таъсирларга мойил бўлган ҳудудларда жойлашган объектларнинг бут сақланиши, мустаҳкамлиги ва бардошлилигини таъминлаш мақсадида муҳофаза зоналари — ажратилган минтақага икки томондан туташган ҳудудлар белгиланади.

Муҳофаза зоналари чегараларидаги ер участкалари учун ердан фойдаланишнинг махсус режими белгиланади, бунда ушбу ер участкаларининг эгала-

ри, фойдаланувчилари ёки ижарачилари қуйидаги чекловлар билан улардан хўжалик мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга:

саноатга оид ва фуқаровий қурилишни амалга ошириш тақиқланади;

темир йўлларнинг давлат кадастрини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органнинг розилигисиз ҳар қандай ишни бажариш тақиқланади.

Муҳофаза зоналарини, уларнинг ўлчамларини, ушбу мақсадлар учун ажратилган ерлардан фойдаланиш режимини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

54-модда. Низоларни ҳал этиш

Темир йўл транспорти соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

55-модда. Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

56-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

57-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги 766–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида**»ги 767–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 119-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган «**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–31-сонли Қонунининг (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **4-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 8 сентябрда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–293-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 246-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–388-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 228-модда) **8-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган «**Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **24-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–542-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 267-модда) **18-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **104-моддаси**.

58-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 7-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисида назарда тутилган Темир йўл транспорти уставини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 7-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисида назарда тутилган умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмасига кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш қоидаларини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 34-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган иши бевосита поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган темир йўл транспорти айрим

тоифадаги ходимларининг иш вақти режими, дам олиш режими ва бошқа меҳнат шароитлари хусусиятлари ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

ушбу Қонун 42-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 52-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган темир йўл транспорти ерларидан ажратилган минтақа доирасида фойдаланиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 53-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган муҳофаза зоналарини, уларнинг ўлчамларини, ушбу мақсадлар учун ажратилган ерлардан фойдаланиш режимини белгилаш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

59-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонунинг 1 — 29, 31 — 57-моддалари ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 27 ноябрь,
ЎРҚ–1006-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****419 «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга
оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирла-
ри тўғрисида***

Кекса авлод вакилларининг билим ва тажрибасидан фойдаланган ҳолда оилаларни камбағалликдан чиқариш тизимини жорий этиш ҳамда «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш жараёнига фаол нурунийларни жалб этиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасининг (кейинги ўринларда — «Нуруний» жамғармаси) маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли уч нафар фаол нурунийни бешта камбағал оиллага бириктириш орқали уларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашиш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги «Нуруний» жамғармаси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига маҳаллаларда фаол бўлган нурунийларни танлаб олиш ҳамда уларга камбағал оилаларни бириктириш жараёнларига кўмаклашсин.

2. Қўйидагилар фаол нурунийларнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

а) оилаларни камбағалликдан чиқариш йўналишида:

хонадон томорқасидан самарали фойдаланиш, томорқада юқори даромадли экин турлари экилишини ташкил этиш, экинларни парваришlash кўникмасини шакллантириш ҳамда етиштирилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

оилани даромадли қилиш учун кўчма дўкон, кичик ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа зарур техника воситаларини бўлиб тўлаш шарти билан ижарага олишга ёрдамлашиш;

камбағал оила фарзандларини, уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, маҳаллалардаги ҳунарманд ва усталарга шогирдликка бириктириш, шунингдек, ушбу оилаларнинг таълим муассасаларида ўқиётган фарзандларини ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимлари билан таъминлаш, уларнинг қўшимча дарслар ва тўғаракларга қатнашишини ташкил этиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

оиланинг ижтимоий шартномадаги мажбуриятларини бажариши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини ташкил этиш;

б) маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўналишида:

маҳаллада пиёда юриш маданиятини тарғиб қилиш;

хонадонларнинг санитария ҳолатини яхшилашга ва тозалликни сақлашга, оила аъзоларини зарарли одатлардан воз кечишга чақириш;

кекса ёшдаги фуқаролар учун мос келадиган спорт тадбирларини ташкил этиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, спорт тадбирларида қатнашиш билан боғлиқ харажатларни, жумладан транспорт харажатларини қоплаб беришни ташкил этиш;

в) ҳар бир маҳаллада «Нуронийлар ва ота-оналар кенгаши»ни ташкил этиш орқали маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш йўналишида:

оилаларда аҳиллик ва миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш;

ногиронлиги бўлган, профилактик ҳисобда турган ва кам таъминланган шахсларни маҳаллалардаги жамоат тадбирларига жалб қилиш;

муаммоли ва боқимондалик кайфиятига тушиб қолган оилалар билан ишлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) фаол нуронийларга камбағал оилалар олти ой муддатга бириктирилади ҳамда «маҳалла етилиги» оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда фаол нуронийларга яқиндан ёрдам беради;

б) фаол нуронийлар ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 фоизи миқдорида рағбатлантириб борилади;

в) фаол нуронийларнинг тавсиясига мувофиқ қўйидаги харажатлар «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади:

камбағал оила фарзандларининг таълим олишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимларини харид қилиш харажатлари;

маҳаллада яшовчи кекса ёшдаги фуқаролар учун спорт тадбирларини ташкил этиш ва уларнинг спорт тадбирларида қатнашишлари билан боғлиқ транспорт харажатлари;

г) кекса ёшдаги фуқароларни спортга жалб қилиш учун «Нуроний» жамғармаси ҳисобидан ҳар бир маҳаллага йилига 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилади;

д) «Нуронийлар ва ота-оналар кенгаши» таркиби туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тавсияси асосида тасдиқланади;

е) фаол нуронийлар «Обод маҳалла», «Камбағалликдан фаровонлик сари» ва «Яшил макон» дастурлари доирасида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ҳамда ижтимоий масалаларнинг ҳолати юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини ташкил этади.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2025 йил учун Давлат бюджети параметрла-

рида «Нуроний» жамғармасига 504 млрд сўм маблағ ажратилишини назарда тутсин ҳамда кейинги йилларда зарур маблағларни ажратиб борсин.

Бунда «Нуроний» жамғармасининг харажатлари ва даромадлари тўлик газна ижроси орқали амалга оширилишини назарда тутсин.

5. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига фаол нуронийлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларни маҳаллаларда амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими, шунингдек, жамоатчилик назоратида аниқланган масалалар бўйича тегишли ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиб бориш амалиётини жорий этиш тавсия этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фаол нуронийларни камбағал оилаларга бириктириш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этиш тартибини тасдиқласин.

7. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 ноябрь,
ПҚ-405-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**

420 “O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligiga insonparvarlik yordami va texnik ko‘maklashish vositalarini oluvchilar tomonidan bank hisobvaraqlaridan ko‘chirmalar va insonparvarlik yordami hamda texnik ko‘maklashish vositalari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni taqdim etish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
25-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1960-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 10-oktabrdagi PF–5848-son “Tashqi beg‘araz ko‘mak mablag‘larini jalb etish mexanizmlarini va donorlar bilan ishlashni takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son “Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 30-aprel 47-son “O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligiga insonparvarlik yordami va texnik ko‘maklashish vositalarini oluvchilar tomonidan bank hisobvaraqlaridan ko‘chirmalar va insonparvarlik yordami hamda texnik ko‘maklashish vositalari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni taqdim etish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1960, 2009-yil 30-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 23-son, 264 modda) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 7-noyabr,
47-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 25-noyabrda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

421 «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–957-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 14 августдаги 3-сон «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2614, 2014 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 478-модда) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 ноябрь,
11-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири*

Ш. ХИДОЯТОВ

2024 йил 18 ноябрь

*Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2024 йил 12 ноябрь

*Мактабгача ва мактаб
таълими вазири*

Х. УМАРОВА

2024 йил 11 ноябрь

*Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири*

К. ШАРИПОВ

2024 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
спорт вазирининг 2024 йил 22 ноябрдаги
11-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой
даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва
(ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш
нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

1) буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «Таълим муассасалари» деган сўзлар «Таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».

2. Нормативларда:

1) нормативларнинг илова белгиси ва номидаги «Таълим муассасалари» деган сўзлар «Таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) II бўлимда:

номидаги «таълим муассасаларининг» деган сўзлар «таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «таълим муассасасининг» деган сўзлар «таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) III бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«III. Ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг
асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт
иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативлари»;**

4) IV бўлимнинг номидаги «таълим муассасаларининг» деган сўзлар «таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) VI бўлимнинг изоҳ қисмидаги «Таълим муассасаларининг» ва «таълим муассасалари» деган сўзлар тегишли равишда «Таълим ташкилотларининг» ҳамда «таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

422 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ўРҚ–957-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 20 октябрдаги 286-сон буйруғи (рўйхат рақами 3089, 2018 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2018 й., 10/18/3089/2222-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 19 ноябрь,
655-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил
19 ноябрдаги 655-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни
ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
хужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги
низога киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг биринчи хатбошисидаги «умумтаълим муассасаларида» деган сўзлар «умумий ўрта таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банддаги «умумий ўрта таълим муассасаларида» деган сўзлар «умумий ўрта таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги «умумий ўрта таълим муассасаларининг» деган сўзлар «умумий ўрта таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 3-илованинг матнидаги «умумий ўрта таълим мактабининг» деган сўзлар «умумий ўрта таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

423 «Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3476-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ўРҚ–957-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 19 октябрдаги 218-сон «Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3476, 2023 йил 14 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.11.2023 й., 10/23/3476/0862-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. АБДУРАҲМОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 5 ноябрь,
24-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил
5 ноябрдаги 24-сон буйруғига
ИЛОВА

«Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқда:

1) буйруқ номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аграр соҳадаги олий таълим ташкилотлари қошидаги ўрта махсус таълим ташкилотларининг битирувчиларини ушбу олий таълим ташкилотларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

2) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Аграр соҳадаги олий таълим ташкилотлари қошидаги ўрта махсус таълим ташкилотларининг битирувчиларини ушбу олий таълим ташкилотларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.»

2. Низомда:

1) низом номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аграр соҳадаги олий таълим ташкилотлари қошидаги ўрта махсус таълим ташкилотларининг битирувчиларини ушбу олий таълим ташкилотларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ»;

2) низом муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги аграр соҳадаги олий таълим ташкилотлари (бундан буён матнда олий таълим ташкилотлари деб юритилади) қошидаги ўрта махсус таълим ташкилотларининг битирувчиларини (бундан буён матнда абитуриентлар деб юритилади) ушбу олий таълим ташкилотларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.»

3) 1-банддаги «Олий таълим муассасаси» деган сўзлар «Олий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «академик лицей» деган сўзлар «ўрта махсус таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «академик лицейдаги» деган сўз-

лар «ўрта махсус таълим ташкилотидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 2-бобнинг номидаги «Олий таълим муассасаси» деган сўзлар «Олий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Олий таълим ташкилоти бакалавриатига ўқишга кириш учун якка тартибдаги суҳбатда қатнашиш истагидаги абитуриентларга тавсиянома бериш учун олий таълим ташкилоти ректорининг буйруғи билан Саралаш комиссияси ташкил этилади.»;

8) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Саралаш комиссияси таркиби ҳар йили 10 июндан кечикмасдан олий таълим ташкилоти ва ўрта махсус таълим ташкилоти ходимлари орасидан камида беш кишидан иборат ва тоқ сонли таркибда шакллантирилади.

Бунда, олий таълим ташкилотининг ўқув ишлари бўйича проректори — ўрта махсус таълим ташкилоти директори Саралаш комиссияси раиси ҳамда ўрта махсус таълим ташкилоти масъул ходими Саралаш комиссияси котиби ҳисобланади.»;

9) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «академик лицейнинг» деган сўзлар «ўрта махсус таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «академик лицейга» деган сўзлар «ўрта махсус таълим ташкилотига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 9-банддаги «академик лицейдаги» деган сўзлар «ўрта махсус таълим ташкилотидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 10-банднинг биринчи хатбошисидаги «академик лицейдаги» деган сўзлар «ўрта махсус таълим ташкилотидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 13-банддаги «Олий таълим муассасаси» деган сўзлар «Олий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 14-бандда:

биринчи хатбошидаги «олий таълим муассасаси» деган сўзлар «олий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, олий таълим ташкилоти ректори Суҳбат комиссияси раиси ҳамда олий таълим ташкилоти масъул ходими Суҳбат комиссияси котиби ҳисобланади.»;

14) 16-банддаги «олий таълим муассасасининг» деган сўзлар «олий таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 20-банддаги «олий таълим муассасаси» деган сўзлар «олий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 26-банддаги «олий таълим муассасасининг» деган сўзлар «олий таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 34-банддаги «олий таълим муассасаси» деган сўзлар «олий таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

«Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
Ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Аграр соҳадаги олий таълим ташкилотлари қошидаги ўрта махсус таълим ташкилотларининг битирувчиларини ушбу олий таълим ташкилотларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Саралаш комиссияси раиси

_____ га
(Ф.И.О.)

_____ дан
(абитуриентнинг Ф.И.О. (тўлиқ ёзилади))

АРИЗА

Менга _____ бакалавриатига
(олий таълим ташкилотининг номи)

якка тартибдаги суҳбатдан ўтиш учун тавсиянома беришингизни сўрайман.

Маълумотим _____,
(ўрта махсус) (таълим ташкилотининг номи)

_____ йўналишини _____ йилда тугатганман.
(йўналиш номи)

Таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом):

серия _____ № _____

Туғилган вақтим ва жойим:

_____ йил, _____
(кун, ой, йил) (туғилган жойи)

Доимий яшаш манзилим:

(вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй рақами тўлиқ)

Биометрик паспорт (идентификация ID-картаси) маълумоти:

_____, _____,
(серия) (рақам)

(қачон ва ким томонидан берилган)

_____ (имзо) _____ (ариза бериш санаси)
(абитуриентнинг Ф.И.О.)

».

Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари
қошидаги академик лицейларнинг битирувчи-
ларини ушбу олий таълим муассасаларига якка
тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Аграр соҳадаги олий таълим ташкилотлари
қошидаги ўрта махсус таълим ташкилотла-
рининг битирувчиларини ушбу олий таълим
ташкилотларига якка тартибда суҳбат ўтка-
зиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(олий таълим ташкилотининг номи)

**бакалавриатига қабул қилиш бўйича якка тартибдаги
суҳбатдан ўтган абитуриентнинг жавобларини
БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ**

Сана _____
(кун, ой, йил)

Абитуриентнинг Ф.И.О. _____

| Т/р | Баҳолаш мезонлари | Баллар |
|-----|--|--------|
| 1. | Ўрта махсус таълим ташкилоти дастурлари доирасида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича абитуриентнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражаси | |
| 2. | Аграр соҳани танлашда абитуриентнинг мотивацияси (аграр соҳанинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиши) | |
| 3. | Абитуриентнинг ўз фикрини раво ифода этиш ва танқидий фикрлаш салоҳиятига эга эканлиги | |
| 4. | Абитуриентнинг умумий дунёқараши шаклланганлиги, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятининг мавжудлиги | |

Изоҳ _____

Суҳбат ўтказиш бўйича комиссия аъзоси:

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**424** **Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
25-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3580*

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar va idoralar me‘yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 23-noyabr,
28-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 26-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 23-noyabrdagi
28-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan
chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Davlat bojxona qo'mitasi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi hamda Davlat chegaralarini himoya qiluvchi qo'mitasining 2003-yil 18-iyuldagi 63, 1/228, 2, 12/988, 01-02/5-24, 1/5-430, 1-son "Oddiy askarlar va boshliqlar tarkibiga kiruvchi harbiy xizmatchilar va harbiy majburiyatli shaxslarning davlat majburiy sug'urtasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1266, 2003-yil 29-avgust) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarining normativ hujjatlari axborotnomasi, 2003-y., 16-son).

2. O'zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish, raqobat va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2006-yil 7-iyuldagi 2, 276-V-son "Sanatsiya qilinayotgan korxonada maxsus sanatsiya hisobvarag'ining ishlash tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1636, 2006-yil 3-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 43-44-son).

3. O'zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2010-yil 26-avgustdagi 11, 25/2-son "Sanatsiya qilinayotgan korxonada maxsus sanatsiya hisobvarag'ining ishlash tartibi to'g'risida nizomga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1636-1, 2010-yil 2-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 35-36-son, 306-modda).

4. O'zbekiston Respublikasining Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2014-yil 1-iyuldagi 01/23-26/16, 276-V-2-son "Sanatsiya qilinayotgan korxonada maxsus sanatsiya hisobvarag'ining ishlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1636-2, 2014-yil 9-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 28-son, 349-modda).

5. O'zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan korxonalarga ko'maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2017-yil 7-noyabrdagi 01/16-2-10/25, 276-V-3-son "Sanatsiya qilinayotgan korxonada maxsus sanatsiya hisobvarag'ining ishlash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1636-3, 2017-yil 17-noyabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 20.11.2017-y., 10/17/1636-3/0276-son).

6. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi va Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 9-martdagi 14/02 va 276-V-4-son

“Sanatsiya qilinayotgan korxonada maxsus sanatsiya hisobvarag‘ining ishlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1636-4, 2020-yil 13-aprel) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 13.04.2020-y., 10/20/1636-4/0458-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
O'ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

425 “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2754-4

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-avgustdagi 502-son “Mahsulotlarni davlat ro'yxatidan o'tkazish va muvofiqlikni baholash tartiblariga oid nizomlarni tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. JUMANAZAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 12-noyabr,
64-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 28-noyabrda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston
texnik jihatdan tartibga solish agentligi
direktorining 2024-yil 12-noyabrdagi 64-son
buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2016-yil 4-yanvardagi 2-son “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2754, 2016-yil 16-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 3-son, 29-modda).

2. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2016-yil 21-sentabrdagi 561-son “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-ilovasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2754-1, 2016-yil 23-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 38-son, 456-modda).

3. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2020-yil 22-yanvardagi 6-son “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2754-2, 2020-yil 19-fevral) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 19.02.2020-y., 10/20/2754-2/0189-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi bosh direktorining 2022-yil 24-yanvardagi 2-son “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2754-3, 2022-yil 11-fevral) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 11.02.2022-y., 10/22/2754-3/0136-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY GVARDIYASI QO'MONDONINING
BUYRUG'I

**426 O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo'linmalariga
kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash
tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
27-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3210-3*

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O'RQ-957-son "Ma'muriy islohotlar doirasida ta'lim sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo'mondonining 2019-yil 8-dekabrdagi 248-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3210, 2020-yil 13-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 13.01.2020-y., 10/20/3210/0049-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo'linmalariga kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to'g'risidagi nizomning 5-bandi beshinchi xatboshisidagi "oliy ta'lim muassasalari" degan so'zlar "oliy ta'lim tashkilotlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Milliy gvardiyasi qo'mondoni

R. DJURAYEV

Toshkent sh.,
2024-yil 9-noyabr,
289-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 28-noyabrda e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

427 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–957-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 3 ноябрдаги 415-сон буйруғи (рўйхат рақами 3342, 2021 йил 14 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.12.2021 й., 10/21/3342/1158-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 11 ноябрь,
635-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил
11 ноябрдаги 635-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик
факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
ниҳомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «олий таълим муассасалари» деган сўзлар «олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-илованинг 3-бандидаги «Умумтаълим муассасаларида» деган сўзлар «Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-илованинг 7-бандидаги «умумий, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал ҳамда олий таълим» деган сўзлар «умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ҳамда олий таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ENERGETIKA VAZIRLIGINING
QARORI

428 O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasidan elektr uzatish tarmoqlari orqali o‘tkazilayotgan elektr energiyasini bojxona nazorati va bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
27-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3265-1*

O‘zbekiston Respublikasining “Elektr energetikasi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi va O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligining 2020-yil 15-iyundagi 01-02/12-19, 01-05-4-3202-son qarori (ro‘yxat raqami 3265, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3265/1109-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasidan elektr uzatish tarmoqlari orqali o‘tkazilayotgan elektr energiyasini bojxona nazorati va bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandi ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon qilinsin:

“elektr energiyasi — tovarning bir vaqtning o‘zida ishlab chiqarilishi (saqlanishi) va iste‘mol qilinishi bilan tavsiflanadigan alohida turi;”.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

Toshkent sh.,
2024-yil 21-noyabr,
183-son

D. KUCHKAROV

Energetika vaziri

Toshkent sh.,
2024-yil 12-noyabr,
10-son

J. MIRZAMAHMUDOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 30-noyabrda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

429 «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–957-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 январдаги 13-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2972, 2018 йил 16 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2018 й., 10/18/2972/0710-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 19 ноябрь,
656-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил
19 ноябрдаги 656-сон буйруғига
ИЛОВА

«Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

1) низомнинг номидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) низомнинг муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом хорижий давлатлар таълим ташкилотларида (бундан буён матнда таълим ташкилотлари деб юритилади) ўқиш учун танлов ўтказиш тартибини белгилайди.»;

3) 1 ва 4-бандлар, 2-бобнинг номи, 8-банднинг биринчи хатбошиси, 11, 16 ва 17-бандлар, 5-бобнинг номи, 63, 64, 67 ва 68-бандлардаги «Таълим муассасаларига» деган сўзлар «Таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 2-банддаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3-банддаги «Таълим муассасаларига» ва «ўрта,» деган сўзлар тегишли равишда «Таълим ташкилотларига» ҳамда «умумий ўрта,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 5-банднинг биринчи хатбошиси, 20 ва 69-бандлардаги «Таълим муассасаларида» деган сўзлар «Таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 6-банд ва 19-банднинг тўртинчи хатбошиси, 23-банднинг еттинчи хатбошисидаги «таълим муассасасида» деган сўзлар «таълим ташкилотида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «таълим муассасаларига» деган сўзлар «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Таълим муассасаларида» деган сўзлар «Таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «таълим муассасаларига» деган сўзлар «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 18-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги «таълим муассасасига» деган сўзлар «таълим ташкилотига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «таълим муассасасида» деган сўзлар «таълим ташкилотида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 22-банддаги «таълим муассасаларига» деган сўзлар «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 29 ва 31-бандлардаги «таълим муассасасига» деган сўзлар «таълим ташкилотига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 32-бандда:

иккичи хатбошидаги «Таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 41-банднинг биринчи хатбошисидаги «таълим муассасасида» ва «олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг» деган сўзлар тегишли равишда «таълим ташкилотида» ҳамда «олий ва ўрта махсус таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 45-бандда:

биринчи хатбошидаги «Умумтаълим муассасаларида» деган сўзлар «Умумий ўрта таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккичи хатбошидаги «олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 50-банднинг иккичи хатбошисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 52-банднинг иккичи хатбошисидаги «ўрта,» деган сўз «умумий ўрта,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 54, 59 ва 61-бандлардаги «таълим муассасаларига» деган сўзлар «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 62-банддаги «Таълим муассасаларига» ва «таълим муассасаларига» деган сўзлар тегишли равишда «Таълим ташкилотларига» ҳамда «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 66-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«66. Таълим ташкилотларига ўқишга юбориш учун ўтказилган танловлардан ўта олмаган номзодлар ўз хоҳишига кўра Вазирлик олий таълим ташкилотларида ўтказиладиган танловларда иштирок этишлари мумкин. Бунда номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари Вазирликнинг тегишли олий таълим ташкилотларига юборилади.»;

20) 1, 6, 7, 8, 9, 11 ва 13-иловаларнинг илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 2-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «таълим муассасаси» деган сўзлар «таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 3-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «таълим муассасаси» деган сўзлар «таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 4-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «таълим муассасасидаги» деган сўзлар «таълим ташкилотидagi» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 5-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15-банддаги «таълим муассасасига» деган сўзлар «таълим ташкилотига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16-банддаги «таълим муассасаларига» деган сўзлар «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 10-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-банддаги «умумтаълим муассасаларида» деган сўзлар «умумий ўрта таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Умумтаълим муассасаларида» деган сўзлар «Умумий ўрта таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 12-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 14-иловада:

илова белгисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

430 Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning
xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash
va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar
kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
29-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-6*

O'zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 14-noyabrdagi 74-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2634, 2014-yil 15-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 51-son, 612-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 15-noyabr,
192-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
15-noyabrdagi 192-son buyrug‘iga
ILOVA

**Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning
xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va
ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 9-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “mazkur Nizomning 3-ilovasiga” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan shakllarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 23-banddagi “mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shaklda” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan shakllarga muvofiq” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 46-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “mazkur Nizomning 10-ilovasiga muvofiq shaklda” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan shakllar asosida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 47-bandning ikkinchi xatboshisidagi “mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 3 va 10-ilovalar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

431 Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–957-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 2 ноябрдаги 601-сон буйруғи (рўйхат рақами 3481, 2023 йил 6 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2023 й., 10/23/3481/0923-сон) билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 27 ноябрь,
672-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил 27 ноябрда-
ги 672-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш
тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг «д» кичик банди учинчи хатбошисидаги «таълим муассасаларини» деган сўзлар «таълим ташкилотларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банднинг учинчи хатбошисидаги «таълим муассасаларига» ва «таълим муассасалари» деган сўзлар тегишли равишда «таълим ташкилотларига» ҳамда «таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-илованинг 7-бандида:

биринчи хатбошидаги «Таълим муассасалари» деган сўзлар «Таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «таълим муассасаси» деган сўзлар «таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-илованинг матнидаги «Таълим муассасаси» ва «таълим муассасасини» деган сўзлар тегишли равишда «Таълим ташкилоти» ҳамда «таълим ташкилотини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 7-noyabrdagi 47-son “O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligiga insonparvarlik yordami va texnik ko‘maklashish vositalarini oluvchilar tomonidan bank hisobvaraqlaridan ko‘chirmalar va insonparvarlik yordami hamda texnik ko‘maklashish vositalari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni taqdim etish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 25-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1960-1.

2. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 22 ноябрдаги 11-мх-сон “Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-3.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 19 ноябрдаги 655-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089-1.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 ноябрдаги 24-сон “Аграр соҳадаги олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейларнинг битирувчиларини ушбу олий таълим муассасаларига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2024 йил 25 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3476-1.

5. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 23-noyabrdagi 28-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 25-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3580.

6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston

texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2024-yil 12-noyabrdagi 64-son “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 27-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2754-4.

7. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2024-yil 9-noyabrdagi 289-son “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 27-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3210-3.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 11 ноябрдаги 635-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342-1.

9. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 21-noyabrdagi 183-son hamda Energetika vazirligining 2024-yil 12-noyabrdagi 10-son “O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasidan elektr uzatish tarmoqlari orqali o‘tkazilayotgan elektr energiyasini bojxona nazorati va bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 27-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3265-1.

10. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 19 ноябрдаги 656-сон “Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2024 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972-3.

11. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 15-noyabrdagi 192-son “Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 29-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2634-6.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 27 ноябрдаги 672-сон “Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 30 апрель 47-сон “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик

ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1960, 2009 йил 30 май).

2024 йил 25 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг 2006 йил 7 июлдаги 2, 276-В-сон “Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1636, 2006 йил 3 ноябр), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1636-1, 2010 йил 2 сентябрь), (рўйхат рақами 1636-2, 2014 йил 9 июль), (рўйхат рақами 1636-3, 2017 йил 17 ноябрь), (рўйхат рақами 1636-4, 2020 йил 13 апрель).

2024 йил 25 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ҳамда Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг 2003 йил 18 июлдаги 63, 1/228, 2, 12/988, 01-02/5-24, 1/5-430, 1-сон “Оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1266, 2003 йил 29 август).

2024 йил 25 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 4 январдаги 2-сон “Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2754, 2016 йил 16 январь), шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2754-1, 2016 йил 23 сентябрь), (рўйхат рақами 2754-2, 2020 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 2754-3, 2022 йил 11 февраль).

2024 йил 27 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.